ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШ РЕЖИМИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

К.ТУРҒУНБОЕВ, М.АРТИКОВА

В статье рассматриваются вопросы инновационого подхода в режиме развития в сфере образования.

The article is dedicated to the problem of inovation aproch in education development.

Инновацион фаолиятнинг турли жиҳатлари тўғрисида адабиётларда етарлича тўлиқ маълумотлар берилган бўлса-да, лекин инновацион жараёнларнинг у ёки бу босқичлари амалий жиҳатдан ҳеч ерда технологик томонлари ёритиб берилмаган. Натижада ҳар бир амалиёт ўз йўли, синаш ва хатолар йўли билан кетаётгани, муайян бир меъёрга амал қилинмаётганини кўрамиз.

Қуйида таклиф этилаётган материалда кўплаб тажрибаларга таянган ҳолда таълим муассасалари педагогик жамоаларининг ушбу жараёнга тайёргарлик ва киришишининг самарали бўлишини таъминловчи аниқ бошқарув ҳаракат тизимини белгилаб олиш имконини кўрсатиш мумкин. “Технология” ва “инновацион жараён” тушунчалари ўртасидаги баъзи ноаниқликларни ҳисобга олган ҳолда, бу ўринда у ёки бу инновацион жараёнларнинг мазмуни ҳақида гап кетмаётганлигини айтиш билан бирга, у ёки бу жараён ҳар қандай ҳолатда фақат индивидуал характер касб этишини, уни бошқариш тўғрисида ҳам гап бораётганини айтиб ўтиш ўринлидир.

Шунга кўра, аниқ қадамларни белгилаб олишда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

– биринчидан, инновацион жараёнларни амалга ошириш учун педагогик жамоа аъзоларининг ҳаммасини алоҳида тайёрлаш зарур. Бу эса ўз навбатида барча таълим муассасалари раҳбарларидан алоҳида эътибор ва қўшимча ҳаракат қилишни талаб этади, чунки ҳар бир иштирокчида (нафақат педагогик, балки техник) шаклланган мотивация у ёки бу режалаштирилган янгиликни ижобий ўзлаштиришнинг муҳим шарти ва кафолати бўлиб хизмат қилади.

– иккинчидан, ривожланиш режимини таъминловчи бошқарувга оид барча қарорлар жамоавий бўлиши зарур, чунки айни мана шу шарт педагогик жамоанинг инновацион жараёнга тезкор, ишончли ва муваффақиятли киришини таъминлайди. Бу ўринда жамоавий қарорларни ишлаб чиқиш воситаси сифатида “Иш ўйинлар”и энг самарали ва маҳсулдор воситалар ҳисобланади.

Таълим муассасаларини ривожланиш режимига ўтказиш жараёнида қуйидаги босқичларни эътиборга олиш керак:

1-босқич. Бўлғуси ўзгаришлар янгиликларнинг муҳимлигини, зарурлигини ва шарт эканлигини таълим муассасаларининг бошқарув гуруҳ аъзолари, яъни келажак ғояларни “ривожлантирувчи” ва “генератор” лари мавжудлигини англаб етишни тақозо этади. Тажриба ва кузатишлар шуни кўрсатадики, бу ишда етакчи, ташаббускор бўлиб бошқарув ваколатига эга бўлган мактаб директорлари ҳисобланади.

2-босқич. Директорларнинг административ (менежерлик) гуруҳни тузиши муҳим ва зарурий шарт бўлиши билан бирга, у ёки бу янгиликни татбиқ этувчи методик ва технологик тайёргарликка эга, ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи педагогик жамоани (гуруҳни) ҳам шакллантириши керак бўлади.

3-босқич. Педагогик жамоани мотивлаштириш ва ўқитувчиларнинг инновацион жараёнларга тайёргарлигини шакллантириш. Бизнинг мактабимизда бундай ўзгаришлар нимага керак? Бундай ўзгаришлар ўқитувчиларга нима беради? Буларнинг ҳаммаси нимага керак? Мазкур босқичда жамоа аъзолари юқоридаги ва бошқа саволларга ижобий жавоб олишлари мумкин. Ўзи учун ижобий жавоб олганлар педагогик жамоанинг 5\4 ташкил этиб, шу кўпчилик ўзгаришлар моҳиятини тушунган ва қўллаб-қувватлагандагина яхши натижага эришиш мумкин. Бу шундай “танқидий майдон”ки, уларнинг билдирган фикрларисиз у ёки бу ўзгаришларни бошлаш ўринсиз ва хавфли ҳисобланади. Умуман олганда ушбу босқичда таълим муассасасининг раҳбари педагогик ва техник ходимларнинг мотивация шакли ва методларини белгилаб беради.

4-босқич. Мактабнинг муаммоли таҳлили, “муаммоли майдон” қуриш ва ўзининг, таълим муассасанинг бугунги кундаги асосий (энг керакли) муаммосини аниқлашдан иборат.

5-босқич. Муаммоли таҳлил ва асосий муаммони аниқлаш натижаларига кўра яқин келажак учун мактабни ривожлантиришнинг “лойиҳа” ғоясини ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу лойиҳа-ғоя мазкур мактабнинг ҳаётий заруриятидан келиб чиқиши ва

у таълим жараёни иштирокчиларининг кўпчилиги томонидан англаб етилган бўлиши зарур.

Ушбу босқичда приципиал масала: бўлғуси инновация соҳаси қандай бўлади? Бу инновация ўқув ёки ўқув жараёнидан ташқаридаги фаолиятга тегишли бўладими? Буларнинг ичидан қайси бири етакчи? Масалан, тажрибанинг кўрсатишича, қишлоқ жойлардаги мактабларда дарсдан ташқари фаолият инновациянинг самарали соҳаси ҳисобланади. Лекин қайси соҳага инновациялар киритиш масаласини педагогик жамоанинг ўзи белгилайди. Янгилик киритиш объектини танлашга таълим муассасаси белгилаган муаммо бевосита таъсир кўрсатади.

Ушбу режимда муаммолар қуйидагиларга бўлинади:

- кадрлар, бошқариш тартиби, стратегия;
- боғлиқлик – унда бошқа муаммолар ҳам тўқнаш келади;
- натижали – бошқа муаммоларнинг сабабчиси (оқибати) сифатида бўлинади.

Албатта, бу ўринда ҳал этиладиган энг асосий муаммо биринчи гуруҳ муаммолари ҳисобланади. Агар ушбу гуруҳ муаммолари мавжуд бўлмаса, бошқа гуруҳ муаммолари ечимига киришилади.

6-босқич. Ишлаб чиқилган ғояни амалга ошириш учун аниқ бошқарув ҳаракатини аниқлаш, яъни уни амалга ошириш режаси ва дастурини тузиш керак бўлади.

7-босқич. Келажак бошқарув ҳаракатини коррекциялаш мақсадида лойиҳа ғоясини амалга оширишнинг дастлабки қадамларини кўрсатишдан иборат.

Таълим муассасаларини ривожланиш режимига ўтказиш бўйича таклиф этилаётган алгоритм энг камида икки хил аҳамиятга эга бўлади:

– биринчидан, бу шаклланиш механизми ва педагогик жамоа инновацион имкониятларининг ривожланиши ҳисобланади;

– иккинчидан, мактабда ривожланувчи педагогик жамоанинг мавжудлиги мазкур таълим муассасаси ривожланиш режимининг самарали, муваффақиятли бўлишини таъминловчи етарли воситадир.

Таълим муассасаларини ривожлантириш режимига ўтказиш бўйича биз тавсия этаётган босқичлар ичида 4-босқич асосий ҳисобланади ва у таълим муассасаларидаги бош муаммони аниқлашда муҳимдир. Бусиз кейинги ҳаракатлар, уни ким ва қандай амалга оширишидан қатъий назар, формал характер касб этади, чунки аниқ муаммони белгилаб олмасдан туриб, инновацион фаолиятни, яъни аниқ таълим муассасасининг муаммосини ҳал этувчи фаолиятни бошлаб бўлмайди.

Таълим муассасаларида муаммоли таҳлил йўлга қўйилса ва у тўғри амалга оширилса, унинг натижаси мазкур мактаб дастурининг реал асосларини ташкил этади ва таълим-тарбия жараёнининг барча иштирокчиларини мавжуд муаммоларни ҳал этишга йўналтириш имконини беради.

Муаммолар, албатта, ҳар бир мактабда ўзига хослик касб этади. Таълим муассасаларининг асосий ғоясини ташкил этган “муаммоли майдон” иштирокчиларининг фикрларини муаммоли таҳлил этишда мактаб педагогларининг маълум касбий манфаатдорликларини ҳисобга олиш зарур. Бу нарса таълим муассасалари инновацион фаолиятининг реал асоси ҳисобланади. Шуни алоҳида эътиборга олиш керакки, ушбу ишда ҳеч кимни мажбуран иштирок этишга ундамаслик керак. Бу ўринда таълим муассасалари раҳбарлари мазкур муаммоли таҳлилда жамоанинг тушунган кўпчилик (5\4) қисми иштирокини таъминлашга эришмоғи зарур. Шунингдек, ушбу ишга фаол ота-оналар ва юқори синф ўқувчиларини жалб этишни тавсия этиш мумкин. Бундай таълим муассасаларида муаммоли таҳлил ўтказиш ва режалаштирилаётган янгиликни жорий этиш аниқланган асосий муаммоларни ечишда восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Акс ҳолда, таълим муассасидаги ҳолат натижасиз кўринишда бўлади, яъни муаммо ҳеч кимда йўқ (билдирилган муаммодан ташқари), инновацион жараён эса кетаяпти.

Муаммоли таҳлилни йўлга қўйишда мактабда “муаммоли майдон” яратар эканмиз, мавжуд адабиётларда унинг технологияси бўлмагани сабабли, уни деб шартли равишда “қадамлар” деб юритамиз.

Шунга кўра, ушбу “қадамлар” қуйидаги кўринишларга эга:

Биринчи қадам. Муаммони йириклаштириш ва белгилашдан иборат. Муаммони белгилаш учун замонавий адабиётлардан ахборот тўплаш мумкин. Шунингдек, ушбу қадамни анъанавий усул ёрдамида (дарсларга кириш, суҳбатлар, анкеталар ўтказиш ва ҳ.к.); муаммолар ифодаланган махсус карточкалардан фойдаланиш йўли билан; жамоа бўлиб, муаммоларни йириклаштириш ва белгилаш орқали, масалан, семинар, турли йиғилишлар, ҳатто, педагогик кенгашлар ўтказиш йўли билан самарали амалга ошириш мумкин.

Шу ўринда мазкур йиғилиш ва семинарларни четдан келган мутахассис олиб бориши белгилаб қўйилганини эътиборда тутиш лозим. Яъни олиб борувчи мазкур мактаб муаммоларини яқиндан билмайди ва, табиийки, уларни белгилаб бера олмайди, унинг миссияси ушбу тадбирни ташкил этиш ва белгиланган тартибда бошқаришдан иборат. Шунга кўра олиб борувчи ҳар

бир иштирокчига мурожаат қилиб, унинг мустақил тарзда баён қилган муаммосини алоҳида эътиборга олиши зарур. Ҳар бир иштирокчи фақат биттадан муаммони айтади, кейин навбатдаги иштирокчига сўз берилади. Бу ҳолат “муаммони” белгилаш якун топгунча давом этади. Одатда, бундай жараёнлар шаҳар мактабларида 1-1,5 соат давом этади. Бунинг учун иштирокчиларга тахминан қуйидагича эслатмани тавсия этиш мумкин.

Муаммонинг қўйилиши (эслатма):

1. Муаммо деганда мавжудлик ва хоҳиш ўртасидаги муносабатлар, бирон-бир нарсанинг етишмаётгани, йўқлиги, қарама-қаршилиги ёки қийинчиликлари тушунилади. Масалан, кадрлар етишмовчилиги муаммоси йўқ, балки бирон-бир нарсани бажариш учун ниманингдир етишмовчилиги муаммоси бор.

2. Ким учун ва қандай муаммолар мавжуд?

3. Улар кимни безовта қилаяпти? Ким уларни ҳал қилади? Қийинчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада, оқибатлари қандай?

4. Вазифа даражасига олиб чиқилувчи муаммони шакллантириш (Нимани енгиш керак? Нимага суяниш мумкин?)

5. Таълим муассасасининг “муаммоли майдони” схемасини чизинг.

Иккинчи қадам. Муаммоли блок бўйича аниқланган муаммонинг тузилмавий кўриниши. Умумтаълим мактаблари шароитида блоклар қуйидагича бўлиши мумкин:

Ўқув тарбиявий жараён (таълимнинг ҳар бир босқичи учун + тарбиявий ишлар алоҳида);

Таълим мазмуни, ташкилий бошқарув жараёни, ташкилий маънавий ишлар, моддий таъминоти. Ушбу босқичда асосий блокни аниқлаш. Асосий блокда энг кўп муаммолар тўпланган бўлади.

Учинчи қадам. Асосий блок муаммоларини тузилма ҳолига келтириш ёки гуруҳлаш. Бундай тузилмавий кўриниш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин. Масалан: фаолият соҳаси бўйича мактаб ва мактабдан ташқари, ҳал этувчи субъекти бўйича – ўқитувчиники, раҳбариятники, таълим тизимини бошқаришдаги юқори бўлимлариники; натижалар бўйича – ҳал этиш мумкин, ҳал этиш мумкин бўлмаган, яъни ҳозирги шароитда мазкур таълим муассасаси томонидан ҳал эта олинмайдиган ҳолат. Тажриба шуни кўрсатадики, охирги гуруҳ муаммолари келажак ишлар учун энг самаралиси ҳисобланади.

Тўртинчи қадам. Асосий блокда ҳал этилаётган муаммоларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрнатиш. Ушбу блокда ҳар бир муаммонинг мазкур ўқув фанига татбиқан ўрганилиш ҳолатини аниқлаш; ҳал этилаётган муаммолардан қайсиси бошқа муаммоларни ҳал этишда қўлланилиши мумкин.

Бешинчи қадам. Мавжуд муаммолар ичидан асосийсини аниқлаш. Асосий муаммо бўлиб энг кўп тан олингани ҳисобланади. Бу мазкур таълим муассасасининг асосий муаммоси бўлиб, у белгиланган маълум муддат ичида бажарилиши зарур.

Турли инновацион ишланмалар (шу таълим муассасаси учун), муаллифлик методикасини бир таълим муассасаси тизимидан бошқасига олиб ўтиш ўзини оқламайди. Бундай ҳолатнинг асосий сабаби бир таълим муассасаси шарт-шароитларига мувофиқ татбиқ қилинган янгиликларнинг бошқа таълим муассасасининг адекват (ўхшаш) бўлмаган шароитлари учун мос келмайдиган томонларидир. Муаммоларнинг кўплиги, бир хилда эмаслиги ва мураккаблиги бошқарув олдига қўйилаётган талабларнинг ортиб бориш характери билан белгиланади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008
2. Ишмуҳаммедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари.- Т.: ТДПУ,2008
3. Натанзон Э.Ш. Приёмы педагогического воздействия.- М.,2008

Андижон давлат университети,
2011 йил 14 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)